ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ БЎЙИЧА

Профессор., **Азимова Ф.П.**
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: *Мақола Республикамизда ипакчилик соҳасида қатор ислоҳотлар ўтказилаётганлиги, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширилаётганлиги, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шароитлар яратилаётганлиги, жаҳон бозорида рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга қаратилганлиги тўғрисида баён этилган.*

Калит сўзлар: *пиллачилик, тайёр маҳсулот, инвестиция, хом ашё, хом ипак, ипак мато, ипак момиғи, ипак гилам.*

Кириш

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бошлаб республикамизда ипакчилик соҳасида қатор ислоҳотлар ўтказилди, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширилди ва мавжудлари модернизация қилинди, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шароитлар яратилди, жаҳон бозорида рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга доир муайян таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Ипакчилик тармоғини янада ислоҳ қилиш, ипак саноатини жадал ривожлантириш, модернизация ва диверсификациялаш жараёнларини фаол йўлга қўйиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали пиллани чуқур қайта ишлаш асосида ташқи бозорда харидоргир, экспортга

мўлжалланган рақобатбардошли маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Шу мақсадда пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришга доир Республика миқиёсида Хукумат Қарорлари қабул қилинди. жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 март 2017 йилдаги

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ 2856-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 август 2017 йилдаги “2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури” тўғрисидаги 616-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 август 2018 йилдаги

“Республикада пиллачилик тармоғидаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3910-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04 декабр 2018 йилдаги

“Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4047-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 январ 2018 йилдаги

“Республикада пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3472-сонли қарорлари амалга оширилмоқда.

Тахлил: Ўзбекистон Республикасида ипак хом ашёсини ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Шу қаторда айтиш лозимки, ипак хом ашёсини ишлаб чиқарувчи корхоналар қуввати, етиштириладиган пилла хом ашёсини тайёр маҳсулотга айлантириш имконияти мавжуд эмас.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда ипак хом ашёсини қайта ишлаш бўйича саноат корхоналари, вилоятлар кесимида

Т/р	Вилоятлар	Корхоналарни умумий миқдори		Шу жумладан		
				Ишлаётган корхоналар		2020-2022 йилларда қайта ишга туширилад иган корхоналар
		миқдори	%	миқдори	%	
1	Андижон	5	10	4	10,8	1
2	Бухоро	4	8	3	8,1	1
3	Жиззах	2	4	2	5,4	-
4	Қашқадарё	2	4	1	2,8	1
5	Навоий	3	6	3	8,1	-
6	Наманган	8	16	5	13,5	3
7	Самарқанд	8	16	6	16,2	2
8	Сирдарё	2	4	1	2,7	1
9	Сурхондарё	3	6	2	5,4	1
10	Фарғона	3	10	5	13,5	-

11	Хоразм	2	4	2	5,4	-
12	Тошкент	4	8	2	5,4	2
13	Қорақолпоғистон	2	4	1	2,7	1
	Жами	***50***	***100***	***37***	***100***	***13***

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ипак хом ашёсини қайта ишлаш бўйича корхоналарнинг умумий сони 50 та, улардан ишлаётган корхоналар 37 тани ташкил қилади.

Вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак энг юқори салмоққа эга бўлган Самарқанд вилоятидир. Шунга кўра Самарқанд вилоятида ишлаётган корхоналар сони 6 тани бу эса корхоналарнинг умумий сонига нисбатан 16,2% ни ташкил қилади. Бошқа вилоятларда эса ишлаётган корхоналар Республика бўйича корхоналарнинг умумий сонига нисбатан 2,9% дан-14,7% ни ташкил қилади.

Бу ҳолатни Фарғона водийсида қадимдан ипакчилик билан шуғулланганлиги ва 1941 йилдан Марғилон шаҳрида ипак матосидан тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарган йирик комбинат ишлагани билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги кунда ушбу анъаналар сақланиб қолинган ва янада ривожлантирилмоқда. Буни тасдиғи сифатида Наманган вилоятида ипак хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишлаётган корхоналар сони 5 тани ташкил этишига қарамай, 2020-2022 йилларда 3 та корхона қурилди.

Бундан ташқари Республика бўйича 2020-2022 йилларда 13 та янги корхоналар қурилиши режалаштирилган. ҚҚРда, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Андижон вилоятларида биттадан, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида иккитадан ҳамда Наманган вилоятида учта янги корхоналар қурилади. Бундан кўринадики ҳозирги кунда ипак хом ашёсини қайта ишлашдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнигача

янги қувватларни яратиш учун, ипакчилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу эса тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш хажмини ошиши билан изоҳлаш мумкин.

2-жадвал

Тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш динамикаси

Йиллар	Хом ип (%)да	Ипак мато(%)да
2019	90	10
2020	84	16
2021	82	18

2019 йилда ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда 90% га ва тайёр маҳсулот хажми 10% ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда тайёр маҳсулот 6% га ўсган. 2021 йилда худди шундай ўсиш тайёр маҳсулотни 2% га ошгани кузатилди.(2-жадвал).

Ўзбекистон Республикасида ипак хом ашёсини ассортиментлари бўйича ишлаб чиқариш тахлилда етарлича кенг диапозонга эга.

Тайёр маҳсулотларни ўсиш кўрсаткичлари қуйидаги 3-жадвалда берилган

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ипак маҳсулотларининг ассортименти (2020-2025 йиллар)

Йиллар	Хом ипак (тонна)	Ипак момиғи (тонна)	Ипак чиқиндилари (тонна)	Ипак гилам (дона)	Ипак ипи (тонна)	Ипак мато (минг.п.м)
2019	1069	499	1146	30	-	-
2020	1650	549	1478	129	292	-
2021	2139	576	1650	528	330	2869
2022	2533	807	1955	1254	258	3226

2023	2900	888	2346	1568	693	6568
2024	3114	932	2696	1960	911	7384
2025	3333	979	3507	2450	1140	10267

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ипак маҳсулотларининг ассортименти бўйича ўсиши прогноз қилинмоқда. 2019 йилда ипакдан тайёрланадиган гилам маҳсулоти 30 донани ташкил қилган бўлса, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 129 донани ташкил қилмоқда. Бу эса бир йил ичида 4,3 маратоба ошганини кўрсатади. 2025 йилга бориб бу кўрсаткич ипакдан гилам ишлаб чиқаришда 2450 донани ташкил қилиб, 2020 йилга нисбатан 19 маратобага ошиши кўзда тутилмоқда.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш учун ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришга катта миқдорда инвестициялар жалб қилиниши керак.

Амалга оширилаётган ҳамда истиқболдаги инвестиция лойиҳаларида 2018-2020 йилларда мавжуд пиллани қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш орқали 7 босқичдан иборат *(хом ипак, ипак момиғи, калава ип, тўқув, бўяш, тайёр маҳсулот, ипак гиламлари)* қайта ишланган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда 31та корхона ишламоқда.

Натижа. Масалан,“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги *“Nurli tong silk” МЧЖ* корхонаси тўғрисида маълумот. Фарғона вилоятида жойлашган *“Nurli tong silk” МЧЖ* томонидан 2019 йилда ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан жами **2,2 млн. АҚШ долларга** тенг инвестиция киритилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар корхона томонидан бир млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Ушбу инвестиция дастгоҳларни йўналтириш асосан ипакни чуқур қайта ишлашга қаратилиб, қўлда гиламчилик, ипак мато

тўқиш, бино-иншоотлар қуриш, инновацион қурт боқиш масканларини барпо этиш, тутзорлар барпо этиш каби тадбирларга йўналтирилмоқда. Корхонада ҳозирги кунда 20 дона гилам тўқиш дастгоҳлари ишламоқда. Шунингдек корхона йилига 144 тонна қуруқ пиллани қайта ишлаб 48 тонна хом ипак ишлаб чиқариш, 138 тонна навсиз пилла ва пилла чиқиндиларини қайта ишлаб 46 тонна ипак момиғи ишлаб чиқариш ва йилига 207 минг.пог.метр ипак мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, корхона томонидан Белгиянинг “Пиканол” ва Италиянинг “Итема” ипак мато тўқув дастгоҳлари олиб келиниши режалаштирилган.

Корхонага кластер усулида фаолият юритиш учун Фарғона вилоятидаги Фурқат, Ўзбекистон, Қўштепа, Бешариқ ва Данғара туманлари бириктириб берилган. Ушбу туманларда корхона томонидан тутзорлар ташкил этиш, мавжуд тутзорларни реконстурция қилиш ҳамда якка тут қаторлари хатоларига тут кўчатларини экиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятда корхона томонидан 80 та доимий ва 2100 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилиб, аҳоли иш билан таъминланган.

2020 йил 1-2 пилла етиштириш мавсумларида корхонага бириктирилган туманларда **736 тонна тирик пилла** етиштирилиб қабул қилиб олинди. Такрорий 3 ва 4 мавсумларда эса 78,2 тонна тирик пилла корхона томонидан ўзига бириктирилган туманларда етиштирилди.

Корхона 2021 йил Хитой, Ҳиндистон, Миср, Покистон ва Тожикистон давлатларига ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Шунингдек, экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида, корхона вакиллари хорижий кўргазма ва ярмаркаларда мунтазам иштирок этишиб келишмоқда.

Ҳозирги кунда маҳсулотларни Европа давлатлари ва АҚШга экспорт қилиш борасида ишлар амалга оширилмоқда.



АДАБИЁТЛАР

1. Республикада пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 январдаги ПҚ-3472-сонли қарори)

2. Манбаа: www. Uzbekipaksanoat.uz